

**ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ИМИДЖИНИ БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Тешаев С. С.

Низомий номидаги ТДПУ Умумий психология кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Янги давр босқичида давлатимиз раҳбарияти асосий эътиборни жамиятнинг устуни бўлмиш хотин-қизларга қаратиб, уларни барча соҳадаги фаолликларини, иқтидорларини ҳамда қобилиятларини намоён этишга кенг имкониятлар очиб бермоқда. Айниқса таълим тизимидаги раҳбар аёлларни ўзига ҳос имиджларини шаклланишига ҳар томонлама кенг йўл очиб берилганлиги диққатга сазовордир.

Аннотации

На этапе новой эры руководство нашего государства делает упор на женщин, которые являются столпами общества, открывая для них широкий спектр возможностей проявить свою активность, таланты и способности во всех сферах. Особо следует отметить, что руководство системы образования открыло широкий путь для формирования уникального образа женщины

Annotation

At the stage of the new era, the leadership of our state is focusing on women, who are the pillars of society, opening up a wide range of opportunities for them to demonstrate their activity, talents and abilities in all areas. It is especially noteworthy that the leadership of the education system has opened a wide way for the formation of a unique image of women.

Калит сўзлар: имидж, мулоқот имиджи, индивидуал имидж, этнопсихологик имидж, гендр, минталитет, этнопсихология, хулқ атвори, фаолияти, ҳатти-ҳаракати, шахслараро муносабат.

Янги Ўзбекистонни қуриш даврида хотин-қизларга алоҳида диққат ва эътибор қаратилаётгани барча соҳалар каби халқ таълими тизимида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Айниқса раҳбар аёлларга бўлган муносабат кундан – кунга ортиб бораётганлигини, давлатимиз раҳбарияти томонидан қабул қилинаётган фармон ва қарорларидаги гендер тенгликка урғу берилишида акс этаётганлигида кўришимиз мумкин.

Бошқарув психологиясида раҳбар имиджиқадим замонлардан ўрганиб келинишига сабаб ҳамма даврларда ҳам етакчи кенг жамоатчиликни назарида бўлиб келган. Унинг хулқ атвори, фаолияти, ҳатти-ҳаракати ва шахслараро муносабатига нисбатан уни қуршаб турганлар баҳо беришлари билан бир қаторда ундан ўрнатилган, аксинча бўлса ундан юз ўгирилган.

Бошқарув жараёнида раҳбарнинг қаттиятлиги, тадбиркорлиги, ўзини тута билиши, жамо билан муносабатга киришимлилиги, педогогик такти, миллий анъана ва қадриятларга амал қилиши ҳамда бошқарувга оид компонентлари бир бўлиб халқ таълими тизимида раҳбар имиджини ташкил этади.

Раҳбар имиджи давр талабига мутаносиб равишда ижтимоий муҳитда шаклланади ва такомиллашиб боради. Ҳар бир раҳбарни имиджи жамога қараб шаклланиши билан бир қаторда ўзига ҳос индивидуал хусусиятига ҳам боғлиқ бўлади. Раҳбарнинг имиджи

такомиллашиб маҳорат даражасига етишида жамодаги шахслараро муносабатлар катта таъсир этиб уни такомиллашувига туртки вазифасини ўйнайди.

Бошқарув психологиясида раҳбар аёл имеджи шахсий хусусиятлари, унга нисбатан қўйилаётган талаблар билан бир қаторда, шахснинг маъсуллиги, маъсулияти ҳамда бурчига бўлган муносабати сифатида ҳам талқин қилиб келинган. Шахснинг ўзлигини англаганлиги уни ўз фаолияти ва бошқалар фаолиятига бўлган муносабатида намоён бўлиши бошқарув психологиясида алоҳида такидланиб келинишига сабаб, раҳбар аёл имиджига бериладиган тариф мазкур икки ҳолатдан келиб чиқади.

- Бошқарув жараёнида раҳбар имиджнинг ижтимоий этнопсихологик асослари (миллий қадриятларга амал қилиниши тушинилади).

- Раҳбар аёлнинг индивидуал хусусиятлари характер, темперамент, қобилият ҳамда ўзига ҳосликлари.

Халқ таълимида фаолият кўрсатаётган раҳбар аёлнинг этнопсихологик қадриятлар асосидаги имиджи менталитетини билиш даражасига боғлиқ бўлади.

Раҳбар аёл ҳар қандай вазиятда ҳам миллий ва маҳаллий қадриятларга амал қилган ҳолда ўз фаолиятини ташкил этиши орқали ўзни бағрикенглик имиджини намоён этиб боради. XXI –аср жамоаларига эътибор бериб қаратилса жамо бир неча миллат ва турли динга эътиқод қилувчилар вакилларида иборатлигини гувоҳи бўламиз. Ҳар бир миллат вакилини миллий хусусиятидан келиб чиқиб, муносабатда бўлиш раҳбар аёлнинг ўзига хос этнопсихологик бағри кенгликни ўзида мужассам этганлиги этироф этилади.

Раҳбар аёлнинг этнопсихологик қадриятлар асосидаги имеджи ходимлар ўртасида энг тез баҳоланадиган имиджи ҳисобланади. Раҳбар аёл шахси “мен”лигини намоён этадиган мазкур имеджи жамоани жипислигини белгилаб бериш билан бир қаторда жамо фаолигини белгилаб бериши билан диққатга сазовордир.

Халқ таълими тизимидаги аёл раҳбардаги бағри кенглик на фақат ходимлар балки тарбияланувчилар ўртасида ҳам нихоятда тез тан олинадиган имиджларидан бири ҳисобланади.

Таълим тизимининг барча босқичларидаги раҳбар аёлнинг имиджида этнопсихологик хусусият асосий омиллардан бири эканлиги шундаки, у ўз миллий қадриятлари билан бир қаторда, уни қуршаб турган бошқа миллат вакиллари билан ҳам бир ҳилда муносабатни амалга ошира олиши ҳам зарур, бунинг учун ўз навбатида раҳбарни тил билиш имиджи ўз моҳиятини намоён этади. Тури тилларни билиш давр талаби бўлиб, у ҳам раҳбарн имиджи ҳисобланади.

Умуман олганда таълим тизимидаги раҳбар аёлнинг яна бир имиджи унинг фаолиятидан келиб чиқиб хотин – қизларни меҳнатини тўғри баҳолай олиши ҳисобланади. Аёлларни фаолиятини баҳолашда ҳолислик бўлиши, жамоани жипсилигини таъминлаш билан бир қаторда жамо аъзолари ўртасида ўзига хос ишончни ҳам таъминлаб бериш гендрпсихологиясида ўз исботини топган. Шу сабабли ҳам халқ талими тизимида асосан аёллар фаолият олиб бораётганлиги нуқтаий назаридан ёндошадиган бўлсак жамоани мазкур хусусиятдан келиб чиқиб ўз имиджини йўналтира олган раҳбар аёл нафақат жамо ўртасида балки таълим тизимини энг қуий қисмидатурувчитарбияланувчиларини ота- оналари ўртасида ўзига мос ҳурматга эга бўлиши бошқарув психологияда ўз исботини топган.

Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар аёлнинг имиджини ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб у бошқа соҳада фаолият кўрсатаётган раҳбар аёллар фаолиятида намоён бўлмаслиги мумкин.

Бошқарув психологиясида раҳбар имиджи ўрганиш жараёнида бевосита ва билвосита раҳбарнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам таҳлил этилади. Шахс хусусиятлари каби раҳбар аёлнинг хусусиятлари ҳам ижтимоий ва индивидуал ҳамда касбий туркумларга ажратиб ўрганилади.

Раҳбар аёлнинг ижтимоий хусусиятларига ижтимоий жамиятда ўзлаштирган барча хусиятлари киради. Шахс ижтимоий жамият маҳсули сифатида тарифланганидек раҳбар аёл ҳам жамиятни маҳсули ҳисобланади. Ижтимоий хусусиятларида устунлик қиладиган хусусиятларга миллий ва диний қадриятлар, миллий урф-одатлар ва менталитетдаги шахслараро муносабатлар киради.

Раҳбар аёл жамиятнинг аъзоси сифатида ўзига юкланган вазифани бажаришда юқоридаги хислатларни ўзида акс эттира олиши билан бир қаторда уларга қаттиқ амал қилиши лозим бўлади. Ижтимоий қадриятларга амал қилиши орқали раҳбар аёл ўз имиджини тўла қонли равишда намоён эта олади.

Раҳбар аёл имиджида индивидуал хусусиятлар намоён бўлишида темпераменти, характери, қизиқишлари, қобилияти, иродаси ва хоказолар киради. Темперамент раҳбар аёл шахсини имиджида асосий ўринларидан бирини эгаллайди. Бунинг асосий сабаби раҳбар бошқарув усулини туб моҳиятини ўз темпераментини бошқара олиш хусусияти ётади. Айниқса таълим тизимидаги раҳбар аёлни ўзининг темпераментини бошқара олиш орқали муносабатга кириша олиши, жамо олдида раҳбарлик мавқеини мустаҳкамлаш гарови ҳисобланади.

Характер раҳбар аёл имиджини белгилаб берувчи омиллардан бири ҳисобланиб, у ҳар бир ҳаракатда акс этиб туради. Раҳбар аёл фаолиятини онг олди ва онг ости кўринишлар характери йўналганлиги асосида намоён бўлади. Шу сабабли раҳбар аёл ўз фаолиятини имиджга таъсирини ижобий бўлишини истаса ўз характерини доимий равишда назорат қилиб бориши лозим бўлади. Раҳбар аёл имиджида характери таъсири юқори бўлиб, ўз- ўзини назорат қилиши ва бошқара олиши унинг имиджи бошқаларга нисбатан мутаносиблигини белгилаб беради.

Таълим тизимидаги раҳбар аёлнинг яна бир нозик имиджиларидан замон талабида ўзига оро бериши, кийиниши ва заргарлик буюмларидан фойдаланиши ҳисобланади. Мазкур имиджларга нафақат меҳнат фаолиятида балки меҳнат фаолиятидан ташқарида ҳам амал қилиши мақсадга мувофиқлиги уни раҳбарлиги остидаги ёш ўқитувчи ва ўқувчилар унга тақлид қилишлари ҳамда нозик жинс вакиллари нуқтаий назаридан кўп муҳокама қилишларидадир. Демак мазкур имиджга раҳбар аёл нихоятда эҳтиёткорлик билан ёндошиб замондан ортда қолиши мумкин бўлмаганидек илгарилаб кетмаслиги ҳам лозим ҳисобланади.

Нутқини бойлиги ва нутқининг баланд-пастлигини бошқара олиш орқали таълим тизимидаги раҳбар аёл ўзини манавий имиджини намоён этиши билан бир қаторда миллий одоб ахлоқни қайдаражада эгаллаганлигини намоён этади. Мазкур ҳолат айниқса раҳбар аёл тассаруфидаги қарама – қарши жинсга нисбатан мулоқатида тез кўзга ташланади. Аксар ходимлар раҳбар аёлни мулоқатидан унинг оиласидаги муҳит ва иқлимга баҳо берадилар.

Раҳбар аёлнинг бошқарув жараёнидаги иродасини намоён қилиши унинг энг диққатга сазовор томони ҳисобланади. Аниқ мустақил қарорга келиши орқали ўзининг бошқарув жараёнидаги

махоратини намоён этиш билан бир қаторда ўз соҳасини чуқур эгаллаганлигини бошқалар тан олишини тامينлайди. Ўзининг иродасини намоён этиш орқали раҳбар аёл барча соҳада уни қуршаб турган жамоага наъмуна бўла олади.

Таълим тизимидадаги ўзбек раҳбар аёлни имиджини қанчалик кўп ўрганилса унинг очилмаган қирралари шучалик кўплигини гувоҳи бўлишимиз табиий хол. Таълим тизимидаги ўзбек раҳбар аёли оиласида имиджи бошқа, маҳалласи ва қариндошларининг турли анъанларида имиджи бошқа кўринишга, қолаверса фаолият кўрсатаётган жамоасида мутлоқо бошқа кўринишга эга бўлади. Турли вазиятларда ўзининг зиёлилиги имиджини сақлаб қолган раҳбар аёлгина жамиятнинг эътиборига сазовор бўлиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат десак хато бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. - Т.: «Ўзбекистон», 1998 й
2. Н.Боймуродов «Раҳбар психологияси» Тошкент «Янги асравлоди» 2007 й
3. Самаров Р., Садриддинов С. Педагогик фаолият тизими такомиллашувини таъминлашда тизимли таҳлил: функционал ёндашув // Ж. Замонавий таълим 2016, 2-сон.
4. Пушкарева Н. Л. Зачем он нужен, этот «гендер»? // Социальная история 1998/1999. М., 1999г
5. Римашевская Н. М. «Женщины и мужчины России», М., 2004г
6. Хорни К. Психология женщины, М., 2007г.